

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 126 (915), 2023 йил 27 июнь, сешанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Бугун юртимизда кенг нишонланаётган Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунин билан сиз, азизларни, муҳтарам фахрийларимизни чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бу айём нафақат ўз ҳаётини шу соҳага бағишлаган фидойи инсонлар, балки уларнинг машаққатли ижод ва меҳнат маҳсулидан баҳраманд бўладиган миллионлаб муштарийлар, тингловчи ва томошабинлар, бутун жамиятимиз учун ҳам қадрлидир.

Мана шундай кунларда миллий матбуотимизнинг тамал тошини қўйган жадид боболаримизнинг **“Матбуот фикрлар тилмочи, миллат ва эл-юрт ривожини йўлида хизматчи, одамлар онгу шуурининг қўёши, ҳар кимнинг виждонига тутилган кўзгу бўлмоғи лозим”** деган фикрлари ҳозирги кунимиз учун ҳам гоят муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлашимиз табиийдир.

Маърифатпарвар аждодларимизнинг бу олижаноб орзу-интилишлари фақатгина мустақиллигимиз туғайли рўёбга чиқди.

Кейинги йилларда юртимизда рўй бераётган тарихий ўзгаришлар натижасида оммавий ахборот воситаларини эркин фикр минбарига, халқимиз манфаатларининг фаол ҳимоячисига айлантириш учун мустақкам ҳуқуқий замин, ижтимоий муҳит яратилди.

Биз мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлигини, ахборот олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқини таъминлаш масаласини инсон қадрини улуғлаш, демократик жамият ва халқпарвар давлат қуришга қаратилган тараққиёт стратегиямизнинг муҳим ва ажралмас қисми, деб биламиз.

Янгиланган Асосий қонунимизда ушбу йўналишдаги конституциявий қоидалар янада мустақкамлаб қўйилган бу борадаги саъй-ҳаракатларимиз бардавом эканини кўрсатади.

Ҳозирги кунда юртимизда 2140 та ёки 2016 йилга нисбатан 626 та кўп оммавий ахборот воситаси фаолият юритмоқда. Уларнинг 65 фоизи нодавлат медиа воситалари экани соҳада таркибий ўзгаришлар изчил амалга оширилаётганидан далолат беради. Анъанавий нашрлар билан бирга интернет нашрлар ҳам жадал ривожланиб, уларнинг сони 745 тага етгани ва ўқувчилар оммасини тобора кўпроқ ўзига жалб этаётганини қайд этиш лозим.

Давлат идоралари ва маҳаллий ҳокимликлар тарихида ахборот хизматлари йўлга қўйилган халқ билан мулоқотни кучайтиришга сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги, шаффофлиги ва ҳисобдорлигини таъминлаш, уларнинг очиқлик борасидаги самарадорлик кўрсаткичларини белгилаш ҳамда илгор халқро стандартлар асосида баҳолаш тизими жорий этилди. Жумладан, яқинда биринчи марта ўтган йил якунларига кўра, давлат органлари ва ташкилот-

ларида амалга оширилган ишларни баҳолаш бўйича Очиқлик индекси натижалари эълон қилинган бу йўлдаги муҳим қадам бўлди.

Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари халқро ахборот маконига ҳам дадил кириб бормоқда. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда бир қатор хусусий телестудияларнинг кўрсатувлари жaxonнинг 100 дан ортиқ давлатларига узатилмоқда. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Дунё” ахборот агентлиги ўз хабарларини 10 та хорижий тилда тарқатмоқда.

Кейинги вақтда юртимизда китобхонлиқни оммалаштиришдек эзгу ишга наشريёт-матбаа соҳаси ходимлари ҳам муносиб ҳисса қўшаётганини алоҳида эътироф этиш лозим. Сўнгги йилларда республика нашриётлари томонидан 132 миллион нусха бадий китоб ва бошқа адабиётлар чоп этилган китобсевар халқимиз, авваламбор, ёшларимизнинг онгу тафаккурини юксалтиришда муҳим роль ўйнаши шубҳасиз.

Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ушбу соҳа учун уч йил муддатга даромад солиғи бўйича имтиёзлар берилгани уларнинг иқтисодий ҳолатини барқарорлаштиришда катта мадад бўлмоқда.

Азиз дўстлар!

Бугунги шиддатли даврнинг ўзи барча соҳалар қатори ахборот йўналишида ҳам олдимизга ўта долзарб вазифаларни қўймоқда.

Ҳозирги вақтда ер юзининг турли бурчакларида юз бераётган, барчамизни ташвиш ва хавотирга солаётган воқеаларни ҳисобга оладиган бўлсак, глобал дунёда ахборотлашув жараёнларининг таҳдидли жиҳатлари ҳам борлиги ва улар тобора кучайиб бораётганидан кўз ююлмаимиз.

Дунёнинг айрим минтақа ва ҳудудларида оммавий ахборот воситалари муайян сиёсий кучлар қўлида информацион урушни авж олдиришга, жамоатчилик фикрини чалғитишга, оқни — қора, қорани — оқ, деб кўрсатишга хизмат қилаётганини афсус билан қайд этишга тўғри келади.

Ахборот маконидидаги устунлик кўп нарса ни ҳал этадиган бугунги мураккаб вазиятда халқимиз сиз, азизларни демократик матбуотнинг асосий шартини талаби бўлган ҳолислик, ҳаққонийлик, миллий манфаатларимизга содиқлик каби принципларга амал қилиб, ўз билим ва салоҳияти, ўткир қалами ва ҳароратли сўзи билан жамоатчиликка ижтимоий жараёнлар моҳиятини англаб етишга кўмаклашадиган, уларни бузғунчи ахборот хуружларидан ҳимоя қиладиган фидойи инсонлар, деб билади.

Биз жамият ҳаётида учраётган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, бюрократия ва коррупция каби иллатларга қарши курашишда, аввало, сиз хурматли журналист ва блогерлар, айниқса, миллий медиа маконимизга янги ғоя ва ташаббуслар билан кириб келаётган истеъдодли ёшларимизга таянамиз.

Шу боис, кенг миқёсда фикрлайдиган, она тили билан бир қаторда хорижий тилларни, ахборот технологияларини пухта ўзлаштирган, юксак малакали, ватанпарвар журналист кадрларни тайёрлаш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Қорақалпоқ давлат университети, Бухоро давлат университети каби таълим муассасаларида журналистика йўналиши бўйича юзлаб мутахассислар тайёрланаётгани ҳам шундан далолат беради.

Ушбу олий таълим даргоҳларида талаба ёшларимиз босма оммавий ахборот воситалари ва ноширлик иши, аудиовизуал журналистика, интернет журналистикаси ва мекенментини, медиа назарияси ва амалиёти, ҳарбий ва спорт журналистикаси, рақамли медиа, халқро муносабатлар сингари йиғирмадан зиёд таълим йўналишлари бўйича юқори малакали профессор-ўқитувчилардан маҳорат силарини ўрганаётгани айниқса эътиборлидир.

Биз Янги Ўзбекистоннинг янги журналистикасини яратиш вазифасини ўз олдимизга қўйган эканмиз, бу борадаги миллий анъаналаримиз билан бирга ривожланган давлатлар тажрибасини ҳам ҳар томонлама ўрганишимиз, оммавий ахборот воситалари бўйича дунёдаги етакчи олиғоҳлар, нуфузли халқро ташкилотлар ва медиа компаниялар билан ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтиришимизни ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Шу сабабли оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантириш бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлиб қолади.

Бу соҳада олдимизда турган вазифаларни аниқ белгилаб олиш ва амалга оширишда ҳозирги вақтда Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси томонидан тайёрланаётган Миллий маъруза катта амалий аҳамият касб этади, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, давлатимиз ва жамиятимиз оммавий ахборот воситалари ходимларининг иш ва турмуш шароитларини яхшилаш, уларнинг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини рағбатлантириш, соҳанинг моддий-техник ва кадрлар салоҳиятини мустақкамлаш учун зарур ёрдам кўрсатишга тайёр эканини яна бир бор таъкидлайман.

Сизларни қутлуғ касб байрамингиз ҳамда яқинлашиб келаётган улғ айём — Қурбон ҳайити билан табриклаб, барчангизга сизхат-саломатлик, ижодий фаолиятингизда янги ютуқлар, хонадонларингизга бахтсаодат ва файзу барака тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҶА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлиги, очиқлик ва ошкоралиқни мустақкамлаш, халқимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга қўшаётган муносиб ҳиссаси, глобал ахборот майдонида миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, юртимиздаги янгиланиш жараёнлари, эришилаётган ютуқларни кенг тарғиб этишдаги катта хизматлари, замонавий журналистика йўналишлари учун юксак малакали кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги самарали фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Дўстлик” ордени билан

Алимбекова Жумакул Мауленовна — “Нурулы жол” газетаси масъул котиби

Арипов Махмуджон Муслимович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston 24” телеканали бўлим катта муҳаррири

Ахоров Мирасрор Мираборович — “Овози тожик” газетасининг Фарғона ва Андижон вилоятлари бўйича муҳбири

Джунайдуллаева Уғлилой Инатуллаевна — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Самарқанд вилояти телерадиокомпанияси гуруҳ муҳаррири

Ережепов Бахитбай Кенгесбаевич — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Nukus teleradiomarkazi” филиали бош овоз режиссёри, Қорақалпоғистон Республикаси

Садиков Хусанбори Мирганиевич — “Муштум” журнали бош рассоми

Шаметов Бахтиёр Алметович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Toshkent” teleradiokanali” давлат муассасаси гуруҳ бош режиссёри

▶ Давоми 2-бетда

“Меҳнат шухрати” ордени билан

Бутаев Шойим Примкулович — “Хужжатли ва хроникал фильмлар киностудияси” давлат унитар корхонаси муҳаррири

Мирзаяров Уктам Хайруллаевич — “Гулистон” ва “Театр” журналлари бўлим муҳаррири

Нуритдинов Хайрулла Бокиджонович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston 24” teleradiokanali” давлат муассасаси директори

▶ 3-бетга қаранг.

30 ИЮНЬ — ЁШЛАР КУНИ

“ЗАМОНДАН-ДА ЮРИБ ИЛҒОР, БЎЛИБ КОШИФ...”

ёҳуд бугунги ёш олимларнинг илмий фаолиятига бир назар

Муаммоларни кўра билиш ва унга ечим излаш илмий янгилик ва кашфиёт сари ундайди. Бугун ҳикоя қилмоқчи бўлган ёшларимиз ўзи танлаган соҳада ютуқларга эришиш учун янги, замонавий лойиҳалар устида иш олиб бораётган иқтисоддорликамиздир.



▶ Давоми 5-бетда

БАНК-МОЛИЯ



Эркин ВАЛЮТА дозори иқтисодиёт барқарорлиги, инвесторлар учун қулай шароит яратмоқда

Танганинг икки томони бўлгани каби, глобал дунё бозорининг техник имкониятлари инсониятга катта қулайликлар яратиши баробарида, ривожланаётган давлатлар иқтисодиётига яхшигина хавф ҳам туғдириши мумкин. Яъни ўзаро рақобатга асосланган бозор муносабатларида кучли иқтисодиётга эга давлатларнинг мавқеи устун бўлади. Бундай шароитда ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётини ислоҳ қилиб, аввало, инвестицион жозибдорлигини ошириш талаб этилади. Зеро, хориж капитали иқтисодиётга “янги қон” ўлароқ, янгидан-янги йирик ва истикболли лойиҳаларни амалга оширишга замин яратади.

▶ Давоми 4-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҶА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҶИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

Камилов Сардор Абдурахимович — “Milliy telekanal” масъулияти чекланган жамиятининг бош муҳаррири ва продюсери

Оманов Муҳиддин Саттарович — “Ўзбекистон наشريёти” давлат унитар корхонасининг болалар ва бадий адабиётлар тахририяти мудири

Раджабов Дилшод Эсанович — “Муҳаррир” наشريёти бош муҳаррири

“Соғлом турмуш” медали билан

Талипжанова Шафоат Маналовна — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Sport” teleradiokanal” давлат муассасаси бош муҳарририяти катта муҳаррири

Файзиев Даврон Ахмеджанович — Ўзбекистон футбол ассоциациясининг маркетинг ва медиа бўлими бошлиғи

“Шухрат” медали билан

Абдуназаров Равшан Саттарович — “Радиоалоқа, радиозащитириш ва телевидение

маркази” давлат унитар корхонасининг Сурхондарё радиотелеузастиш маркази станция етакчи муҳандиси, Сурхондарё вилояти

Ажимуратов Азамат Лепесбаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ахборот бўлими бошлиғи

Арслонова Жамила Амировна — Зангиота тумани “Истиқбол” газетаси муҳбири, Тошкент вилояти

Ахмедов Иброхим Рахимович — “Гранд” радиостанцияси бош муҳаррири ва бошловчиси

Ахмедов Қобулжон Холиқович — “Mening yurtim” телеканали бош директори

Воҳидов Журъат Самандарович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Бухоро вилояти телерадиокомпанияси монтажчиси

Давлетова Нозимахон Элдаровна — Миллий масс-медияни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори

Жўраев Олим Эргашевич — Бухоро вилояти ҳокимининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси — матбуот котиби

Исмаилов Музаффар Абдуллаевич — “Daryo.uz” веб-сайти раҳбари

Кайсаров Тимур Адихамович — “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти масъул котиби

Кенжаев Руслан Алишерович — “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари бош муҳаррирининг ўринбосари

Қосимова Нориниса Эргашевна — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Сирдарё вилояти бўлими бош мутахассиси

Мадумарова Баҳринса Тўхтасин кизи — “Zamon.uz” веб-сайти бош муҳаррирининг ўринбосари

Мазитов Абдураим Маликович — “Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компаниясининг муқовалаш цехи ишчиси

Мамиров Суяндик Махамматович — Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси бош мутахассиси

Муминов Эргаш Абдумигатович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbektelefilm” давлат муассасаси сахналаштирувчи кинорежиссёри

Насирова Иродахон Хусановна — “Zo‘r TV” телеканалининг продюсери ва бошловчиси

Отабоева Гулнора Хосилжоновна — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Наманган вилояти телерадиокомпанияси “Асп” студияси сиёсий шарҳловчиси

Расулов Баходир Бахтиёрович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston 24” телеканали телеоператори

Рахимова Раъно Мирфазиловна — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston” teleradiokanal” давлат муассасаси суҳандони

Рахимходжаев Зайниддин Хусниддинович — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати ҳузуридаги Медиа-маркази етакчи мутахассиси

Ризаев Акбар Мансурович — Ўзбекистон Республикаси Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича маркази бошлиғи

Рузиева Фазила Мухторовна — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг ихтисослашган фонд ва мажбурий нусхаларни сақлаш хизмати раҳбари

Саидов Икром Туляганович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Махсус автокорхона” давлат муассасаси хайдовчиси

Тошнйазова Гулмира Хусановна — “Kun.uz” веб-сайтининг Тошкент шаҳри бўйича муҳбири

Умаров Дилшод Содикович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Dunyo bo‘ylab” telekanal” давлат муассасаси эфирга узатиш бўлими бош режиссёри

Уринбаева Севара Кучкаралиевна — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Ахборот хизмати раҳбари — жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиғи

Хаитахунов Шуккур Джалилович — Жалақудуқ тумани “Жалақудуқ ҳаёти” газетаси муҳаррири, Андижон вилояти

Шодиева Лолажон Озодовна — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Mahalla” радиоканали режиссёрлар бўлими бош режиссёри

Яхшибоева Озода Абдуҷалопошна — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Қашқадарё вилояти телерадиокомпанияси гуруҳ муҳаррири

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2023 йил 26 июнь

ОГОҶЛИК

Гиёҳвандлик балоси дунё миқёсида глобал муаммолардан бирига айланиб улгурди. У наркотикизм, терроризм, экстремизм каби тинчлик ва барқарорликка раҳна солувчи ёвуз кучлар орқали ёшлар келажигига салбий таъсир ўтказмоқда. Бу таҳликали жараён дунё жамоатчилигидан ёшлар тарбиясида мунтазам огоҳ, сезгир ва хушёр бўлишни тақозо этади.

КЎЗ ИЛҒАМАС ТАҲДИДЛАР

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МАЪНАВИЙ ВА МАҒКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ ҲОСИЛ ҚИЛИШ НИМА УЧУН КЕРАК?



Мансур МУСАЕВ, Республика Маънавият ва маърифат маркази хузуридаги Иجتимой-маънавий тадқиқотлар институти бўлим бошлиғи, сиёсий фанлар доктори (DSc)

Мамлакатимизда ҳам бу иллатга қарши жиддий кураш олиб борилади. Жумладан, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида асосий мақсадлардан бири сифатида ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш вазифаси белгиланган. Уни бажариш масъулияти ёшлар маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига қўмақлаштиришнинг гоявий асосларини ўрганиш ва таҳлил қилиш заруратини келтириб чиқаради. Шу маънода, бугунги кунда дунё нуфусининг ярмидан кўпчилиги ташкил этаётган ёшлар гиёҳвандлик балосига ружу қўймаслиги учун маънавий-маърифий тарбиёт ишларини олиб бориш фойдалар вазифа ҳисобланади.

Шифокорлар фикрича, гиёҳвандлик пайдо бўлиши учун кўпглаб хавф омиллари мавжуд. Буларга шахсий, иجتимой, иқтисодий, ирсий, биологик ва бошқаларни киритиш мумкин. Бу иллатга дучор бўлган ҳар қандай инсон соғлом турмуш тарзига барҳам бериб,

бўлиб қолади. Унинг таъсирига тушганлар нафақат ўз яқинлари, балки юртини ҳам танимайдиган манкуртга айланади. Мана шунинг ўзидеги гиёҳвандликнинг нақадар тубанликка олиб боришини англаш керак. Гиёҳвандлик оқибатида инсонларда бедаво касалликлар пайдо бўлиши, бевақт ўлим ҳолатлари кузатилиши, мажруҳ, ақли заиф болалар туғилиши исботланган. Бундан ташқари, бу зарарли иллат инсонни ўта ялқов, бефарқ, ҳар томонлама заиф қилиб қўяди.

“Сир эмас, дунё бозорига тарқаладиган қора дорининг асосий қисми Афғонистонда етиштирилиб, уни ноқонуний йўл билан Марказий Осиё мамлакатлари орқали Гўрба етказишга бўлган ҳолатлар учраб туради. Шунинг учун юртимизда наркотик моддаларни истезмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланishiга қарши кураш масаласига давлат ва миллатнинг келажигини ҳал этувчи омиллардан бири сифатида эътибор қаратиб келинмоқда. Ушбу иллатга қарши курашиш мақсадида бир қатор қонуналар ва халқаро шартномалар қабул қилинди.

Юртимизда барча турдаги гиёҳвандликка қарши изчил кураш олиб борилаётган. Маҳаллаларда, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларида, меҳнат жамоаларида гиёҳвандликнинг инсон соғлиғига зарари ва унинг аянчилик оқибатлари ҳақида маънавий-маърифий тарбиёт ишлари олиб борилаётган, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилинмоқда.

Мутахассислар фикрича, гиёҳвандлик моддалари истезмол қилиниши 16 ёшдан 35 ёшгача бўлган инсонларда кўп учрайди. Бу дардага мубтало бўлганлар орасида аёллар ҳам борлиги, айниқса, ташвишланарлидир.

Бугунги кунда дунё миқёсида мазкур иллатга қарши кенг қамровли ўтказилаётган тарбиёт-ташвиёт, амалий ишларга қарамасдан, афсуски, бу хавф ҳамон орамизда юргани ачинарли. Демак, бу муаммага қарши фақатгина давлат курашиб қолмай, балки барчамизнинг мунтазам огоҳ, хушёр бўлишимиз талаб этилади.

Хулоса қилиб айтганда, тез ўзгараётган дунёда инсоният янгида-янги муаммолар билан тўқнаш келмоқда. Ёшлар онги учун кураш авжига чиқди, уларни гиёҳванд қилишнинг янги ва қутилмаган усуллари ўйлаб топиллаётгани ҳам сир эмас. Диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, оммавий маданиятнинг янги-ча ва бир қарашда пайкаш қилинган турлар таҳдиди билан юзма-юз турибми. Бу каби таҳдидлар мамлакатлар, миллатлар тақдирини билан боғлиқ ҳолда келмоқда. Шу боис, фарзандларимизни бундай иллатлардан узоқлаштириш, уларни ҳар томонлама соғлом тарбиялаш, маънавий, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш ҳар биримизнинг бурчимиз, вазифамиз эканини ҳеч маҳал унутмайлик.

ИККИ ТОННАДАН ОРТИҚ ГИЁҶВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

Наркотик моддаларни назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат комиссияси раиси томонидан тадқиқланган тадбирлар режаси ижроси доирасида Давлат хавфсизлик хизмати ташаббуси билан республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ноқонуний муомаладан мусодара қилинган 2 тонна 51 килограмм гиёҳвандлик воситалари ёқиб юбориш йўли билан йўқ қилинди.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Тадбирда мутасадди идоралар ходимлари, халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Унда сўзга чиққан Наркотик моддаларни назорат қилиш Давлат комиссияси раиси ўринбосари — Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази директори Олим Нарзуллаевнинг қайд этишича, наркотик воситалар контрабандаси ва ноқонуний савдосига қарши курашиш халқаро аҳамиятта молик масала ҳисобланади. Ўзбекистон гиёҳванд моддалар тарқалишига қарши курашиш ва гиёҳвандлик воситалари устидан назоратни кучайтириш соҳасидаги халқаро мажбуриятларни изчил бажариб келмоқда. Марказ иштирокида мавжуд норматив-ҳуқуқий база халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириб борилаётган.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда гиёҳвандликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш борасида зарур чора-тадбирлар амалга ошириллаётди. Бугунги кунда Ўзбекистон гиёҳванд моддалар билан боғлиқ таҳдидга қарши курашда мавжуд барча иجتимой, иқтисодий ва сиёсий имкониятлардан фойдаланмоқда. Миллий қонуний-лигимизда гиёҳвандликка оид жиноятларнинг олдини олиш ва унга чек қўйиш, бу борада ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлиги, гиёҳвандликка қарши курашнинг даволаш ва бошқа муҳим масалаларнинг ҳуқуқий асослари яратилган.

Ўзбекистон 1995 йилда БМТнинг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши кураш тўғрисидаги 1961, 1971 ва 1988 йиллардаги конвенцияларига қўшилди. 1999 йил 19 август кунини “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. 2021 йилдан нарқология соҳасидаги муносабатларни тартибга солишни “Нарқология касалликлар

ахборот-таҳлил маркази маълумотига кўра, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар амалга ошираётган тезкор-амалий ва тезкор профилактик тадбирлар натижасида 2022 йилда гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ 8681 жиноят аниқланган. Шунингдек, халқаро ташкилотлар ва ҳамкор давлатлар кўмағида ваколатли органлар ходимлари малакасини ошириш, моддий-техник базани модернизация қилиш бўйича чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий маркази мувофиқлаштирувида республиканинг мутасадди вазирлиги ва идоралари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган “2022-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлигини янада ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” 2022 йил 16 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тадқиқланган.

Утган йил давомида Ўзбекистон томони Париж пакти ташаббуси доирасида ташкил этилган ишчи гуруҳлари йиғилишларида фаол иштирок этди.

“ГИЁҶВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ БЎЙИЧА ЖАҶОНДА ОЛДИНИ ҶУРНИЛАРДА ТУРУВЧИ АФҶОНИСТОН БИЛАН ЧЕГАРАДОШЛИК ЎЗБЕКISTONДАГИ НАРҚОВАЗИЯТГА САЛБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТАЁТГАН АСОСИЙ ОМИЛЛАРДАН БИРИДИР. ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР МАЪЛУМОТИГА КЎРА, 2022 ЙИЛДА АФҶОНИСТОНДА КЎКНОР ЕТИШТИРИЛАДИГАН МАЙДОНЛАР 233 МИНГ ГЕКТАРНИ, ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ОПИЙ МИҚДОРИ ЭСА 6200 ТОННАНИ ТАШКИЛ ЭТГАН.

профилактикаси ва даволаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қучга кирди. Унда вазирлиқлар, идоралар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг нарқоманяннинг олдини олиш ва таъминлаш борасидаги ваколатлари, гиёҳвандлик билан касалланган шахслар, шунингдек, тиббиёт ходимлари ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган.

Тадбирда қайд этилганидек, гиёҳвандлик воситаларини етиштириш бўйича жаҳонда олдинги ўринларда турувчи Афғонистон билан чегарадошлик Ўзбекистондаги нарқоманянга салбий таъсир кўрсатаётган асосий омиллардан биридир. Халқаро экспертлар маълумотига кўра, 2022 йилда Афғонистонда кўнор етиштирилмаган майдонлар 233 миң гектарни, ишлаб чиқарилган опий миқдори эса 6200 тоннани ташкил этган.

Гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи кенгайиб бориши, психотроп ва қучли таъсир қилувчи моддалар ноқонуний мақсадларда суиистезмол қилиниши ортиси, афғон опийларининг “Шимоллий йўналиш” орқали транзити янги каналлари шаклланиши ва мавжудлари фаоллашуви ортидан бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам кузатилаётган нарқоманян кескинлигича қўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий

Ўзбекистон Республикасининг ШХТда 2021-2022 йиллардаги раислиги доирасида 2022 йил 18-20 апрель кунлари Тошкент шаҳрида ШХТга аъзо давлатларнинг наркотик моддалар ноқонуний айланishiга қарши курашиш ваколатига эга бўлган вазирлиги ва идоралари юқори мансабдор шахслари ҳамда раҳбарлари йиғилишлари бўлиб ўтди. Бундан ташқари, 2022 йил июль ойида ШХТнинг “Наркотиклардан қочиб дунё” III халқаро антинаркотик акциясига бағишланган бир қатор тадбирлари ўтказилди. 2022 йилда БМТ бошқармаси ва Европа Иттифокининг бошқона ва чегара постларида наркотик моддаларнинг ноқонуний айланishiига қарши курашиш бўйича идораларо механизмини такомиллаштиришга қаратилган халқаро лойиҳа ва дастурлари доирасида белгиланган тадбирлар амалга оширилди.

Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

 **БАНК-МОЛИЯ**

ЭРКИН ВАЛЮТА

До зори

Иқтисодий барқарорлиги, инвесторлар учун қулай шароит яратмоқда



Авазбек ХУДОЙКУЛОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Бошланғичи 1-бетда

Инвестиция жозибдорлиги эса, ўз навбатида, мамлакатда мавжуд ишбилармонлик муҳити, зарур инфраструктура яратилгани, транспорт-логистика тизими, банк-молия соҳасининг замон талабларига мос ривожланганлик даражаси каби комплекс масалаларни қамраб олади.

Мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида улкан мақсадлар белгиланар экан, мазкур йўналишлар, шу жумладан, банк-молия соҳасини ислох қилиб, халқаро рақобатга мос ривожлантириш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Аслини олганда, банк, молия, инвестиция каби иқтисодий атамалар муомалага кириб келганга тарихан кўп бўлмаган бўлса-да, негизи тадбиркорлик, ишбилармонлик, савдо-сотиққа бориб тақаллаган бу йўналиш халқимизга бегона эмас. Ўзбекистон Буюк ипак йўлининг муҳим бўғинида жойлашгани учун бу заминда қадимдан савдо-сотиқ тараққий этган. Хитой ва Марказий Осиё шаҳарларини ўрта денгиз мамлакатлари билан боғловчи ушбу қарвон йўли ота-боболаримизнинг тадбиркорлик фаолияти ривожига муҳим роль ўйнаган. Афсуски, дунё цивилизацияларига бешик бўлган бу замин тараққиёт турли истилолар, мустамлакачилик туфайли маълум муддат таназзулга ҳам юз тутган.

Истиқлол шарофати билан Ўзбекистон яна ўз қаддини тутта бошлади. Айниқса, сўнгги йилларда "Буюк ўтмишдан — буюк келажак сари" тамойили асосида иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг янги даври бошланди. Бу борада миллий иқтисодиётнинг очилгани таъминлаш ва унинг жаҳон иқтисодиётига интеграцияси учун барча зарур шароитлар яратилди. Жумладан, валюта бозори эркинлаштирилди,

цензия ва рухсатнома бекор қилинди. Солиқларнинг умумий сони 13 тадан 9 тага қисқарди, айрим солиқ ставкалари 2 баробар камайтирилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Бизнес-омбудсман институти жорий этилди.

Эътиборли жиҳати, ушбу йўналишдаги янгиланишлар тизимли давом эттирилмоқда. Масалан, шу йил 1 январдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ставкаси 15 фоиздан 12 фоизга туширилди.

Қулай инвестиция муҳитини яратиш бўйича амалга оширилган ислохотлар натижасида сўнгги 5 йилда иқтисодиётимизга кириб келган хорижий инвестициялар ҳажми 10 баробар ошиб, қарий 40 миллиард долларга етди.

Сунъий тўсиқлар олиб ташланди

Ҳар бир давлат ўзининг пул ва унинг негизда миллий валюта тизимига эга. Алмашинув курсини белгилаш, валюта бозори ва унинг инструментлари, халқаро тўлов тизимларининг мавжудлиги миллий валюта тизимининг

2022 йилда БАНКЛАРНИНГ АҲОЛИДАН ВАЛЮТА ХАРИДИ ВА АҲОЛИГА ВАЛЮТА СОТУВИ ЎРТАСИДАГИ ИЖОБИЙ ТАФОВУТ 2,9 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРГА ТЕНГ БЎЛДИ. БУНДА АҲОЛИНИНГ ВАЛЮТА СОТУВИ 11,9 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРНИ, АҲОЛИНИНГ ВАЛЮТА ХАРИДИ ЭСА 8,9 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛДИ. МАМЛАКАТИМИЗГА ВАЛЮТА МАБЛАҒЛАРИ КИРИШИ 2022 ЙИЛДА 2021 ЙИЛГА НИСБАТАН 32 ФОИЗГА ОРТган БЎЛСА, ВАЛЮТА ЧИҚИМИ 22 ФОИЗГА ЎСДИ ВА УШБУ ВАЗИЯТ АЛМАШУВ КУРСИНИНГ БАРҚАРОР БЎЛИШИГА ҲАМ ЎЗ ТАЪСИРИНИ КЎРСАТДИ.

элементлари ҳисобланади. Қайсики давлатда ушбу элементлар тараққий этган бўлса, ўша жойда халқаро иқтисодий алоқалар, пировардида эса иқтисодиёт ривожланади, аҳоли фаровонлиги ошади.

Яқин вақтга қадар валюта операцияларидаги чекловлар, расмий ва параллел бозор курсларининг амал қилиши, нақд пул билан электрон пул ўртасидаги фарқланиш, қолаверса, яқин қўшнилар билан салбий алоқалар, халқаро логистика муаммолари каби кўплаб сунъий тўсиқлар иқтисодиётимиз ривожига тўғаноқ бўлаётган эди. Мана шу омиллар туфайли халқаро экспертлар Ўзбекистон иқтисодиётини ҳатто ёпиққа яқин иқтисодиёт сифатида таснифларди.

2017 йилдан мамлакатимизда туб янгиланиш жараёни бошланди. Натигада юқорида қайд этилган салбий

(Валюта биржасида тижорат банклари томонидан билдирилган талаб ва таклиф, миллиард АҚШ долларда)



оширади. Банклар ва иқтисодиёт учун валюта биржасидаги операциялар катта қисмини ташкил этади ҳамда валюта курсини белгилашда муҳим ўрин тутди.

2016 йилдан кейинги даврда тижорат банкларининг валюта биржасидаги фаолияти анча жонланди. Хусусан, тижорат банклари томонидан валюта биржасида сотган валюталарига қараганда сотиб олган валюталари ҳажми кўпроқни ташкил қилди.

— Бунга сабаб сифатида, биринчидан, 2017 йил сентябрь ойидан валюта курсининг либераллаштирилгани, иккинчидан эса валюта биржасидаги сунъий чекловларнинг олиб ташланганини келтириш мумкин, — дейди Банк-молия академиясининг рақамли банк иши кафедраси мудири Акром Абдусаломов. — Ушбу чора-тадбирлар натижасида 2017 йилда тижорат банклари томонидан 3 миллиард 369,20 миллион доллар сотилган бўлса, 6 миллиард 217 миллион доллар сотиб олинган. Биржадаги ортиқча талаб 2 миллиард 847,80 миллион долларни ташкил этган. Умуман олганда, валюта биржасида тижорат банкларининг талаби йил сайин ошиб бормоқда. Хусусан, 2021 йилга қадар тижорат банклари валюта биржасида экспортёрларнинг валюталарини сотган ҳамда импортёрлар учун валюта сотиб олиб берган бўлса, 2021 йил февралдан уларга ўз эҳтиёжлари ёки спекулятив операциялар учун ҳам чет эл валютасини сотиш ва сотиб олишга руҳсат берилган. Бунинг натижасида ўлароқ, 2021 йилда валюта биржасидаги чет эл валютасига бўлган ортиқча талаб рекорд даражага кўтарилди.

Статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2022 йилда тижорат банклари томонидан валюта биржасида умумий 3 миллиард 48 миллион доллар сотилган бўлса, ўша даврда банклар томонидан 9 миллиард 773,50 миллион доллар сотиб олинган ва чет эл валютасига бўлган ортиқча талаб 6 миллиард 725,49 миллион долларни ташкил қилган.

Тижорат банкларининг валюта биржасида ва биржадан ташқари валюта бозорларидаги чет эл валютаси билан операцияларининг катта қисми ҳужалик юритувчи субъектлар иштирокида амалга оширилади. Яъни банклар ҳужалик юритувчи субъектлар номидан валюта биржасида валютани сотиб олади ёки сотади, шунингдек, валюта биржасидан ташқари валюта бозорида банклар тўғридан-тўғри ҳужалик

юритувчи субъектлардан чет эл валютасини сотиб олади ёки уларга валюта сотади.

2019 йилда ҳужалик юритувчи субъектлар томонидан жами 5 миллиард 865 миллион доллар сотилган, ўз навбатида, 13 миллиард 724 миллион доллар сотиб олинган. Бундан қўриш мумкин, 2019 йилда ҳужалик юритувчи субъектлар томонидан чет эл валютасига бўлган талаб таклифга қараганда 2,5 баробардан зиёдни ташкил этган. Бу ҳолат 2021 йилда ҳам ўзгармагани ҳолда, талаб таклифга нисбатан 2 баробар кўп бўлган.


2022 йилда банкларнинг аҳолидан валюта хариди ва аҳолига валюта сотуви ўртасидаги ижобий тафовут 2,9 миллиард долларга тенг бўлди. Бунда аҳолининг валюта сотуви 11,9 миллиард долларни, аҳолининг валюта хариди эса 8,9 миллиард долларни ташкил қилди.

Мамлакатимизга валюта маблағлари кириши 2022 йилда 2021 йилга нисбатан 32 фоизга ортган бўлса, валюта чиқими 22 фоизга ўсди ва ушбу вазиат алмашув курсининг барқарор бўлишига ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Чет эл валютасига талабнинг таркиби нималардан иборат?

Албатта, ривожланаётган давлатларда чет эл валютасига бўлган талаб таклифдан юқори бўлади. Аммо ушбу талаб қайси соҳадан вужудга келаётгани муҳимдир. Негаки, айнан ривожланаётган давлатларда янги ва замонавий технологияларга талаб катта бўлгани ҳолда, шунга мос равишда чет эл валютасига талаб ҳам юқори бўлади.

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш фаолияти учун харид қилинган асбоб-ускуналар, товар ва хизматлар



чет эл валютасига бўлган талаблар таркибида энг юқори ўринни ташкил этади.

— Бу жуда ҳам ижобий ҳолат, — дейди Банк-молия академияси докторанти Хусниддин Акбаров. — Бинобарин, янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш ёки мавжудларини технологик янгилаш жараёни ҳам аҳоли фаровонлигини ошириш, иқтисодиёт барқарорлигига эришишда муҳим омил саналади. Аммо йиллар давомида асбоб-ускуналар, товар ва хизматлар салмоғи пасайиб бормоқда. Хусусан, 2019 йилда умумий чет эл валютасига бўлган талаблар таркибида ишлаб чиқариш учун харид қилинган асбоб-ускуналар ҳамда товар ва хизматлар салмоғи 72 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 60,2 фоизни, 2021 йилда эса 56,6 фоизга етган.

Кейинги ўринни хорижий валютадаги кредитларни сўндириш эгалламоқда. Шу ўринда қайд этиш лозимки, бу кўрсаткичнинг ошиб бораётгани, бир томондан зарурат бўлса, бошқа томондан, бир оз салбий ҳолатдир. Хусусан, 2019 йилда хорижий валютадаги кредитларни сўндириш учун сотиб олинган чет эл валютасига талаб умумий талаб таркибида 9 фоизни ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб, бу кўрсаткич 20,1 фоиз бўлган. Бунга сабаб

эса, биринчидан, ушбу кредитлар қисқа муддатга, яъни 4-5 йилга олингани бўлса, иккинчидан, ушбу кредитлар фоизи юқори, яъни 5-6 фоиз атрофида экани ҳамда учинчидан, йилдан-йилга кредит фоизининг кескин ошиб бораётганидир.

Рақобат сезиларли даражада кучайди

Макроиктисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти экспертлари ўтказган тадқиқотга кўра, 2018-2023 йилларда Ўзбекистон банк тизимида рақобат сезиларли даражада кучайган.

Жумладан, 2023 йил 1 май ҳолатига кўра, активлар бўйича ҳисобланган ННН (Херфиндал-Хиришман) индекси 927 ни ташкил қилди ва 2018 йил 1 январь ҳолатигадаги (1520) нисбатан 593 бирликка камайди. Бу эса, ўз навбатида, республикамизда банк тизими ўртача концентрациялашган даражадан рақобатбардор бозор тамойилларига ўтгани, банклар ўртасидаги рақобатнинг сезиларли даражада ошганидан далолат беради.

Кредитлар йўналишида ҳам шундай фикр билдириш мумкин. Хусусан, иқтисодиётимизда тижорат банклари томонидан ажратилган кредит қўйилмалари ҳажми сўнгги 5 йил мобайнида қарий 3,3 баробар — 127,2 триллион сўмдан 413,4 триллион сўмгача ошган. Шундан жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар ҳажми 7,5 баробар кўпайган.

Шу билан бирга, миллий валютада ажратилган кредитлар бўйича ўртача тортилган номинал фоиз ставкаси 2018 йилнинг мос давридаги 20 фоиздан 2023 йилда 22,5 фоизгача кўтарилган.

Депозитлар бўйича ННН индекси мос даврда 893,7 дан 703 бирликкача пасайган. CR (Концентрация нисбати)

(Ҳужалик юритувчи субъектларнинг ички валюта бозоридаги валюта операциялари ҳажми)



хусусий инвесторларга энергетика, геология-қидирув, кимё ва нефть кимёси, тиббиёт ва таълим каби соҳаларда фаолият юритиш имкониятлари кенгайтирилди.

Иқтисодиёт драйвери — хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қатор қарорлар қабул қилинди ва улар асосида соҳада икки юздан ортққ

вазиятларга барҳам берилди. Шу ўринда табиий савол туғилади: пул-кредит соҳасида амалга оширилган муҳим ислохотлар қайсилар ва улар қандай натижа берди?

Аввало, шунингдек таъкидлаш лозимки, 2017 йилда Ўзбекистон Марказий банки алмашинув курсларини унификация қилди ва валюта бозори-

Валюта биржаси

Иқтисодиёт ривожланишида молия бозорининг ўрни бекиёс. Ушбу бозорнинг асосий бўғини бу — тижорат банклари. Улар томонидан ишлаб чиқаришнинг катта қисми кредитлар ёрдамида молиявий ресурс билан таъминланади. Тижорат банклари ички бозорга ихтисослашган тадбиркорлар ишлаб чиқаришини кредитлаш билан бир вақтда, ташқи иқтисодиётга мўлжалланган тадбиркорларга валюта ресурсларини етказиб беради. Шундай экан, тижорат банкларининг валюта қимматликлари билан боғлиқ операциялари ҳам иқтисодиёт ривожини, ҳам тижорат банклари даромадлари учун муҳим операциялардан биридир.

Тижорат банклари валюта операцияларини икки хил бозор — валюта биржасида ва ундан ташқарида амалга

УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



30 ИЮНЬ — ЁШЛАР КУНИ

“ЗАМОНДАН-ДА ЮРИБ ИЛҒОР, БЎЛИБ КОШИФ...”

ёхуд бугунги ёш олимларнинг илмий фаолиятига бир назар



Бошланиши 1-бетда

Замонавий технологияларни ҳаётга кенг жорий этиш, олимлар фаолиятини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётган бугунги даврда илмий-тадқиқот муассасалари ва инновацион фаолиятни ривожлантириш билан боғлиқ механизмнинг тўла ишлаши учун барча имкониятлар яратилган.

Унинг бунёдкори ёш изланувчилар, инноваторлар экани кишида фахр уйғотади.

Бу борада қонунчиликда ҳам илмий лойиҳаларни молиялаштириш жараёнига алоҳида эътибор қаратилган. Албатта, гоёси бор йиғилт-қизга кўмак беришнинг энг яхши йўли — керакли маблағ билан таъминлаш.

Самарали механизм



жараёни энгиллаштирадиган янги технологияларни ишлаб чиқиш ҳам шунчалик аҳамиятли. Обихаёт ресурсларининг ифлосланиши ва бузилиши турли органик, ноорганик, механик, бактериологик ҳамда бошқа моддалар тўпланишига, таркибда кислороднинг камайиб, юқумли касалликларни тарқатувчи бактерияларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

оқова сувларини тозалаш учун сорбент яъни тозаловчи восита ишлаб чиқариш лойиҳасини йўлга қўйди.

— Санот корхоналарининг оқовалари таркибда нефть маҳсулотлари, фенол, оғир металл, фосфор бирикмалари, буюк қолдиқлари, токсиклиги юқори бўлган бошқа ифлослантирувчи компонентлар мавжуд, — дейди Нарғиза Шоназарова.

— Санот корхоналарининг оқовалари таркибда нефть маҳсулотлари, фенол, оғир металл, фосфор бирикмалари, буюк қолдиқлари, токсиклиги юқори бўлган бошқа ифлослантирувчи компонентлар мавжуд, — дейди Нарғиза Шоназарова.

натijasida балиқларга катта зиён етган. Лойиҳани яратишимга мана шу воқеа сабаб бўлди. Чикинди хомашёлар асосида янги турдаги модификацияланган маҳсулот яратдик.

Ҳозирги кунда турли хомашёлар асосида сорбентлар ишлаб чиқариш ва оқова сувини тозалашда фойдаланиш йўлга қўйилган. Полимерлар сунъий ва синтетик хомашё саналгани боис, бу турдаги чикиндиларни табиат ўзлаштира олмайди. Аммо улاردан унумли мақсадларда фойдаланиш мумкин. Полимер асосли тозалаш воситаларида оқова сувини зарарсизлантиришда фойдаланиладиган воситаларга нисбатан тозалаш даражаси юқори бўлиб, оқова сувдан қайта фойдаланиш имкониятини оширади.

Фойдали ва беэиён

Маълумотларга кўра, бир гектар ердан эрта ҳосил олиш учун экин етиштириш жараёнида ўртача 6 минг дона пластик идишдан фойдаланилади. Улар тупроқ учун зарарли кимёвий моддалар ишлаб чиқариши, кейинчалик ер ости сувлари ёки атрофдаги бошқа сув манбааларига, шунингдек, экотизимга сингиб кетиши билан зарарли таъсирларни келтириб чиқаради.



Тошкент давлат аграр университети талабаси Ойгул Мингоева пластик идишлар ўрнига торф асосли картон идишларни тақлиф этмоқда. Унинг бу лойиҳаси Мирзо Улуғбек ворислари танловига ғолиб деб топилди.

Тошкент давлат аграр университети талабаси Ойгул Мингоева пластик идишлар ўрнига торф асосли картон идишларни тақлиф этмоқда. Унинг бу лойиҳаси Мирзо Улуғбек ворислари танловига ғолиб деб топилди.

Эрта ҳосил олиш учун уруғ дастлаб кичик пластик идишларга экилади. Муаммо шундаки, катта миқдордаги пластик идишлар чикиндига айланади. Уларни утилизация қилишнинг қийинлиги кўпчилига аён. Тупроққа аралашса, намлик ва ҳаво ўтишига



йўл қўймайди. Натijasida тупроқ керакли озиқ моддалар билан тўйина олмайди. Шу боис, улар ўрнига торф асосли идишлардан фойдаланиш самарали саналади. Авваллари бир гоёнинг фойда-зарари ҳисобга олиниб, маҳсулот кўринишида савдо пештахталарига чиқиши учун 10 йил керак бўлган бўлса, ҳозир бу ишлар учун узоғи бир йил кифоя қиялпти.

Пластик идишлар ўрнига экологик тоза маҳсулотдан фойдаланиш натижасида ҳам иқтисодий, ҳам атроф-муҳитга доир муаммолар ҳал этилади. Тадқиқотчининг айтишича, лойиҳа амалиётга жорий этилгандан сўнг ҳар минг маҳсулотдан 18 миллион сўндан ортиқ соғ фойда олиш мумкин. Уларни тайёрлаш учун эса кўп харажат талаб этилмайди.

Бугунги глобал жаҳон иқтисодиётини кузатар эканамиз, юқори марраларга эришиш учун салмоқли моддий, молиявий, меҳнат ресурслари ва иқтисодий олимлар зарур экани аён бўлади. Мамлакатимизда кечаётган иқтисодий ислохотлар эса юртимизда мана шундай олимларнинг барчасини ҳозирлашга замин яратмоқда.

Илмий изланиш ва тадқиқотларни молиялаштириш долзарб масала. Боиси, бугун илм-фан жамиятнинг иқтисодий-иқтисодий тараққиёти учун ноёб имкониятлар эшигини очиб баробарида, иқтисодиётни ривожлантиришга, рақобатбардошлигини оширишга хизмат қиладиган илгор инновацияларни юзага келтирмоқда. Англаш мумкинки, бу жараёнда рақобат ҳам кучайиб бораверади.

Сувни қайта тозалаш технологияси

Сув бу — ҳаёт, деган таъриф беэиз айтилмаган. Уни тежаш, ифлос қилмаслик қанчалик муҳим бўлса,

Сувни қайта тозалаш технологияси

Сув бу — ҳаёт, деган таъриф беэиз айтилмаган. Уни тежаш, ифлос қилмаслик қанчалик муҳим бўлса,

ҲОЗИРГИ КУНДА ТУРЛИ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА СОРЕБЕНТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ОҚОВА СУВИНИ ТОЗАЛАШДА ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН. ПОЛИМЕРЛАР СУНЪИЙ ВА СИНТЕТИК ХОМАШЁ САНАЛГАНИ БОИС, БУ ТУРДАГИ ЧИҚИНДИЛАРНИ ТАБИАТ ЎЗЛАШТИРА ОЛМАЙДИ. АММО УЛАРДАН УНУМЛИ МАҚСАДЛАРДА ФОЙДАЛАНИШ МУМКИН. ПОЛИМЕР АСОСЛИ ТОЗАЛАШ ВОСИТАЛАРИДА ОҚОВА СУВИНИ ЗАРАРСИЗЛАНТИРИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ВОСИТАЛАРГА НИСБАТАН ТОЗАЛАШ ДАРАЖАСИ ЮҚОРИ БЎЛИБ, ОҚОВА СУВДАН ҚАЙТА ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТИНИ ОШИРАДИ.

Экин чанқоғини, тупроқ талабини аниқлайдиган “ақлли” қурилма



вазифалардан бири сифатида белгиланган. Қолаверса, бугунги кундаги вазият сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, сув ҳўжалиги объектларини модернизация қилиш ва ривожлантириш бўйича изчил ислохотларни амалга татбиқ қилиш зарурлигини кўрсатаяпти.

— Лойиҳамиз сув танқислигининг олдини олишга қаратилган, — дейди Акбарали Турдиев. — Қурилманинг илк намунасини Тошкент вилояти ўрнатдик. Тахлилларга кўра, харажатлар 30 фоизга камайиб, даромад 50 фоизга ошган. Ҳозирда технологияни Жиззах вилояти фермер ҳўжалиқлари далаларида ҳам татбиқ этилди. Шунингдек, вилоятлар кесимида лойиҳа тақдими утказилди.

— Лойиҳамиз сув танқислигининг олдини олишга қаратилган, — дейди Акбарали Турдиев. — Қурилманинг илк намунасини Тошкент вилояти ўрнатдик. Тахлилларга кўра, харажатлар 30 фоизга камайиб, даромад 50 фоизга ошган.

қурилма каби четдан келтириладиган технологиялар 5 минг 200 долларни ташкил қилади. Бу эса кўпчилик учун қимматлик қилиши табиий.

Робототехника ҳамда электроника соҳаларига катта қизиқиш билан қарайдиган қаҳрамонимиз қишлоқ ҳўжалиги технологияларини сунъий интеллект билан боғлаш ҳамда фермер ва деҳқонлар харажатиға камайтириб, даромадини оширишга ёрдам берадиган инновацион технологиялар устида иш олиб боради.

Олим ва талабалар томонидан бу каби қўллаб-қўзғатиш ва фойдали лойиҳалар ишлаб чиқилади. Аммо гоёни маҳсулотга айлантириш маблағдан ташқари тадбиркорга ҳо қўбили ятти ҳам талаб қилади. Гоёни илмий ҳажмдор маҳсулотга айлантиришнинг ҳам ўз йўриги бор.

Ешларни илмий фаолиятга кенг жалб қилиш, уларнинг инновацион гоё, ихтиро ва дастурий ишланмаларини қўллаб-қўватлаш борасида тизимли ишлар амалга ошириляпти. Иқтисодий-иқтисодий тараққиётнинг муҳим омил саналган инновацион технологияларга қизиқишни рағбатлантириш мақсадида амалга ошириладиган тизимли ишлар тўғрисида бугун ёш олимлар сафи кенгаймоқда. Уларнинг янгида-янги гоёлари, ихтиролари илм-фан тараққиётига, одамлар ҳаётига энгиллик яратишга ҳисса қўшмоқда. Биз эса уларга шоир айтганидек:

“Замондан-да юриб илгор, бўлиб қошиф. Ҳар илмдан самар оллоққа шаҳд айлане”, деб қоламиз.

Феруза Жўраева, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Талаба ва шифокорлар учун ягона маълумотлар базаси

Билим, инновация ва гоёларнинг оммалашуви турмуш сифати яхшиланшига хизмат қилади. Уз ўрнида, истеъмолчиларнинг янгида-янги маҳсулот, технологияга бўлган талаби ҳам ортиб бораверади. Бу изланувчилар, янгилик яратувчилар зиммасига катта масъулият юклайди, ҳар соҳада янги ёндашувларни талаб қилади.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги инновациялар ҳаётнинг давомийлиги ва турли касалликлардан сақланиш даражасини оширса, ахборот технологияларни ёки гаджетлар соҳасидаги илмий ютуқлар ҳаётимизни энгиллаштиради. Демак, ҳар жаҳада янги технологияларнинг ўрни катта.

Тиббиётга доир ўзбек тилидаги маълумот ва материаллар базасини шакллантириш, соҳага оид барча профессионал маълумотларни ягона бир базада жамлаш ва бойитилган рақамли функциялар билан тақдим қилишнинг аҳамияти катта.

Тошкент тиббиёт академияси талабаси Абдурахмон Бахромо мана шундай қўлайликларга эга “Гиппократ” платформасини яратди ва “Бўлажак олим” танлови доирасида грант соҳиб бўлди.

— Лойиҳанинг асосий моҳияти тиббиётга алоқадор энг сара маълумот ва материалларни қидириб топиш, саралаш, жамлаш, ўзбек тилига таржима қилиб, бойитилган рақамли имкониятлар билан талаба ва шифокорларга тақдим этишдан иборат. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг касалликларни даволашга йўналтирилган тақлиф ва стандартларини жамлаб, ягона платформага жойлаш фойдаланувчиларга бир қанча энгиллик яратлади. Платформада тестлар, интерактив материаллар ҳам ўрин олган, бу ўз билимини янада бойитиш мақсадида бўлганлар учун қўл келади. Узим шу соҳада ўқиганим боис, қўл кузатганман, талаба ва шифокорлар учун ягона маълумот ва материаллар базасига катта эҳтиёж бор. Боиси, тиббиётга доир адабиётларнинг аксарияти




чет тилларда чоп этилган. Бу, айниқса, энгидина соҳага кириб келаётган ёшлар учун ноқулайлик туғдиради, — дейди Абдурахмон Бахромо.

Мазкур электрон базада тиббиёт фанларига оид мавзулар тўпلامي мавжуд бўлиб, бўлимлар бўйича барча маълумотлар ўрин олган. Лойиҳадан мақсад нима, соҳага доир адабиётлар етарли-ку, деган савол туғилиши табиий. Аммо ёш инноватор айтганидек, тиббий таълимга оид адабиётларнинг аксариятини хорижий адабиётлар ташкил қилади. Масалан, сиз тиббиётга ихтисослашган олий таълим муассасаси талабаси бўлдингиз, аммо чет тилларни билмайсиз. Маълумки, тиббиётга доир маълумотлар катта ҳажмда ва мукамал тузилган бўлади. Яъни чет тилни ҳамин қадар билсангиз, матнни таржима қила олмайсиз. Зарур маълумотларнинг ўзбек тилида тақдим этилиши мана шу каби муаммоларга барҳам беради. Ҳар бир мавзу бўйича фойдаланилган манбалар рўйхати келтирилгани эса сизни ўша адабиётлар билан ҳам танишишга ундайди. Муҳими, маълумотлар инфографик тарзда ҳам тақдим этилган. Бу эса маълумот олиш жараёнига янада қизгин тус беради ва фойдаланувчи имкониятини кенгайтиради.


Қишлоқ ҳўжалиги учун энг зарур манбалардан бири сув, албатта. Дунё бўйича 70 фоиз тоза сув мазкур соҳа учун сарфланади, ачинарлиси, унинг 60 фоизи исроф бўлади. Замонавий технологиялар эса нафақат бу каби муаммоларни тез ва самарали бажаришга ёрдам беради, балки қўллаб-қўзғатиш имкониятлар эшигини ҳам очади.

“Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети магистранти Акбарали Турдиев “Smart Drip irrigation system” деб номланган “ақлли” қурилмани яратди. Ишланма қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини томчилатиб сўрошига асосланган ақлли тизим ҳисобланиб, тупроқдаги намлик миқдорини аниқлайди ва намлик даражаси белгиланган миқдордан камайгандагина уни сўғоради.

“Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Президент фармонида қишлоқ ҳўжалиги экинларини сўғоришда сувни тежайдиган технологиялар билан қамраб олинган ерларнинг умумий майдонини 2 миллион гектарга етказиш асосий



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ҚЎИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини

Журналистика — очилмаган қўриқ

ҳар бир қалам аҳли уни ўзлаштиришга, чаман қилишга интилиши лозим



Жаббор РАЗЗОҚОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Матбуот — жамиятнинг ўзига хос кўзгуси. Унга кўз ташлаб мамлакатнинг асл қиёфасини, халқнинг турмушини, яшаш тарзини, қолаверса, босма нашрларни шакллантираётган журналистларнинг маҳоратини билиб олиш қийин эмас. Ана шу газета ва журналларсиз, радио-телевидениесиз ҳозирги замонда ҳеч бир халқ кўзлаган мақсадига эриша олмайди. Маънавияти қашшоқ, Ватанига муносиб ғоявий қуролга эгалик қилолмаган фуқаролар оддий оломондан фарқ қилмайди. Шу сабабли матбуотга, тарғиботга жиддий эътибор қаратиб келинади.

Касб байрамимиз эса ана шу серқирра соҳада фаолият юритаётганлар учун ўзига хос бир сарҳисоб сана. Бу кун ҳар бир тахририят жамоасининг, журналистнинг, ижодий ва техник ходимнинг ўтган даврда қилинган ишларидан қониқиб ҳосил қилиш бўйича газетхон ёки журналхон, телетомошани ёки радиотингловчи олдиди ўзига хос имтиҳондир.

Ҳўш, бугунги оммавий ахборот воситалари муҳлиснинг ўзлари севиб ўқийдиган ва кўриб-тинглайдиган газет-журнал, радио ва телевидениедан кўнгли тўлаптими? Радио ва телевидение каналлари ранг-баранглашиб, хусусийлари сонни анчага кўпайтди ҳам, аммо мазмундор ва тахлилий кўрсатувлар ҳамон етарли эмас. Нега?!

Тўғри, XXI аср — ахборот асри ўз ҳукмини амалда кўрсатмоқда. Тарихдан маълумки, газетанинг ахборот воситаси сифатида шаклланиши учун 2–3 аср вақт ўтган бўлса, эндиликда бир йилда, ҳатто бир ойда шундай инқилобий ўзгаришлар рўй беряптики, кўриб-билиб ҳайрон қоласиз. Бундан 30-40 йил олдин ахборот тарқатишда газеталар ўрнини радио ва телевидение эгаллаб олмоқда, деб айюханнос солган эдик. Энди-чи, интернет тармоқларида электрон газеталар, веб-сайтлар, блогерлар пайдо бўлиб, ахборот мадонини тўла-текис эгаллаб олди. Эндиликда тезкор ахборот тарқатишда телевидение ва радио улар олдиди “ип эшолмай” қолди. Менинг ўзим хорижий сафарлар давомида Дубайда ҳам, Маккаю Мадинада ҳам ўзимизнинг “yuz.uz”, “uza.uz”, “kun.uz”, “gazeta.uz”, “daryo.uz” ва бошқа турли интернет сайтлари орқали Ўзбекистонда юз бераётган воқеа ва ҳодисалардан сония сайин хабардор бўлиб турдим. Ҳўш, бугунги кунда уларнинг тезкор ахборот хизматини газеталар уёқда турсин, телевидение ёки радио удалдай оляптими?! Афсуски, ундай эмас.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Менимча, газета ва журналлар ўз фаолиятини замон талабларидан келиб чиқиб, батамом қайта қуриши керак. Улар тезкор ахборот тарқатишда ютқазяптими, демак, эндиликда босма нашрлар мамлакатда юз бераётган оламшумул ўзгаришлар — улкан завод ва фабрикалар, уй-жой қуришлари, таълим-тарбия соҳасидаги ислохотлар, мавжуд муаммо ва камчиликлар ҳақида туркум тахлилий мақолалар, суҳбатлар, репортажлар, лавҳа ва очерклар бериб бориши керак. Ҳозирги кунда аксарият босма нашрлар ҳаётдан анча орқада қолмоқда. Фақат интернетдан фойдаланиб, хонада ўтириб ишлаш билан иш битмайди. Тинимсиз ҳаракат, изланиш керак.

Бугун мамлакатда катта ўзгаришларни ҳар жабҳада сезасиз. Ҳаётдаги бу жараён нафақат иқтисодиётга, балки ижтимоий соҳага ҳам, маънавиятга ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қўймайди. Шу сабабдан босма матбуот

фаолиятини, мазмун-мундарижасини, замон талаблари даржасида яхшилаш, беэалибини ва моҳиятини янада юксак савияга кўтариш бугунги матбуот олдиди энг долзарб масала бўлиб турибди. Бу борада “Янги Ўзбекистон”, “XXI аср”, “Хуррият”, “Миллий тикланиш”, “Адолат” газеталари бир-мунча олдинга қадам ташламоқда. Улар нафақат босма нашр фаолиятини,

Матбуот саҳифаси артиллерия майдони эмас — бир-бирига “ўк” отадиган. Танқидий, муаммоли мавзулар ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бу ерда танланган объектни чуқур ўрганиб, ҳар томонлама таҳлил қилиб, юксак масъулиятни ҳис этиб, сўнгра қўлга қалам олиш ва ҳар бир сўзни ишлатишдан олдин пухта ўйлаб қоғозга тушириш керак. Ҳиссиётга берилиб энгил-елпи, ўйланмай ёзилган танқидий мақолалар пуфакка ўхшаб ёрилиб кетади. Уларнинг самараси ҳам бўлмайд.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, газета ва журналлар адабини, ўқиш адабиётлар ҳамда муҳим ижтимоий-сиёсий китобларнинг тиражини талаб даражасида оширмасдан туриб, халқимиз маънавиятини юксалтириб бўлмайди. Маънавият ва мафкура — давлат сиёсатининг энг муҳим бўғинидир.

Яна бир масала. Ҳозирги кунда нафақат ишбилармон ва тадбиркорлар, балки бугунги воқелиқдан хабардор ижодкор ёки газета-журнал ходими ҳам электрон алоқа воситаси орқали тезкор савдо тармоқларига улашиб, тез техника восита ёки бошқаларни тез муддатда дунёнинг турли бурчагидан бемалол қабул қилиб олиши мумкин. Бизда-чи, баъзида газета ва журналларни ўз эгаларига етказиш учун кўнлар эмас, ҳафталар керак бўлаётгандай. Бу зорамта китобларни эгаларига тезкор етказиш тизимини йўлга қўйиш эса долзарб бўлиб қолаётир.

Бинобарин, маърифат ва маънавият соҳасидаги ишлар ҳали ҳам бугунги замон талаби даражасида эмасдек. Кўпгина нашрларнинг молиявий аҳволи ночор. Миллий мафкурамизни тўла-тўқис яратиш, уни халқимизга хизмат қилдириш борасида ҳали жуда кўп ишлар қилишимиз керак. Бу эса фақат мустақиллигимиз тағ-заминини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ҳўш, бугунги журналист қандай бўлиши керак? Бу савол кўпчилик ижод аҳлини қизиқтиради. Ҳар кун турли ижтимоий тармоқларда ўзини кўз-кўз қилиб, ижтимоий ҳаёт этикасига тўғри келмайдиган қирраларини эфирга узатаётган айрим блогерлар услубини қўласинини ёки хонада ўтириб олиб интернет янгиликларини, шов-шувли хабарлардан иборат нашрни шакллантирсинини? Бундай ҳаёллар ҳар бир

тахририят ходимининг фикру хаёлини чулғаб олгани рост.

Лекин эндиликда газетхон ҳам аноий эмас. У сиздан интернетда эълон қилинмаган (улар ҳам сиз каби интернетнинг у ёғидан кириб, бу ёғидан чиқади) ноёб, теша тегмаган мавзуларни, муаммоларни дадил кўтариб чиқадиغان суҳбат ва мақолалар кутади. Газетани кўп ҳам безамасдан (айрим нашрлар фақат дизайнга эътибор бериб, мазмун-мундарижасини эсдан чиқаради), тош босадиган мақолаларни, хабар ва янгиликларни чоп этиши керак.

Бугунги журналист ҳар томонлама мукамал ижодкор, блогер, сайт яратувчиси, қолаверса, радио эшиттирувчиси ҳам бўлиши лозим. Эндиликда муштарий кўлига кечиқиб борган нашрнинг оддий қозғондан фарқи қолмайди.

Журналистика мисоли бир очилмаган қўриқ. Уни ҳар бир қалам аҳли ўзига ўзлаштиришга, очиб қилишга интилади. Кимки маҳорат билан, чуқур билим ва истеъдод ила ҳаракат қилса, мақсадига эришади. Образли айтганда, қўриқда бог яратди, мевасидан завқланади, келажакка хизмат қилишини ўйлаб, кўнгли ёришади.

Мен, бир фахрий журналист сифатида захматқаш ижод аҳлининг байрами баҳонасида бирмунча фикрлар билан ўртоқлашдим. Айтаверсам, гап кўп. Лекин газета ва журналларни, китобларни иштиёқ билан ўқийдиган, уларни излаб юрадиган давр ютуқларини йўққа чиқармасдан, вазиятни ўзимиз ўнглашимиз, келажакка хизмат қилдиришимиз керак. Бугунги авлод таълим-тарбияда, илмий ишларда, ижодда, ҳатто илоҳиётда ҳам шу заминда яшаб ўтган улуг аждодларидан ортада қолмаслиги, уларнинг муносиб вориси бўлиши лозим.

Мен ҳозирги ёш авлод вакилларига ниҳоятда ҳавас қиламан. Улар бугун ҳар қанча меҳнат қилсалар, излансалар арзийди. Зеро, журналистнинг каттиқ нонини қадрлайдиган, унинг сўзини этиб қўриб оладиган ажойиб замонларга ҳам етиб келдик. Эл-юрт-ни рози қилиш йўлида бошланган ислохотларни тарғиб қилишда иштирок этётган ҳар бир қалам аҳли ўзини жуда бахтли инсон деб ҳисоблайди. Холислик, тезкорлик ва дадиллик билан юртимизнинг ҳар бир гўшасига кириб бораётган, мавжуд муаммоларга ечим излаётган журналистларга матонат ёр бўлсин!

СЎЗ СЕҲРИГА ОШУФТАЛИК ЗАВҚИ



Мирзоҳид БОТИРОВ,
Ўзбекистон Журналистлар ўзбекистон аъзоси

Азалдан сўз кучи, сўз сеҳри, сўз жилоси, сўз заргари каби иборалардан фойдаланиб келамиз. Шу ўринда кўнгилар султони Ҳазрати Жалолдин Румийнинг қуйидаги пурмаъно сўзларига эътибор қаратсак: “Сўз Ҳақнинг сояси... Инсонни соя ўзига тортар экан, унда ҳақиқат янада яхшироқ жазб этади. Ҳар нарсага асли — сўз... Сўз амал дарахтининг мевасидир. Чунки у амалдан тўғилади. Улуғ Тангри оламни сўз билан яратди ва “бўл!” дейиши билан бўлди... Сўз инсоннинг қиймати қадар қадрийдир”.

мулоҳаза ҳам кўнглингиздан ўтиши табиий, албатта. Бугун ҳар соҳада бўлганидек, ОАВ ҳам жадал ривожланиб бориш билан биргаликда, ҳаётимизни уларнинг фаолиятисиз тасаввур эта олмаймиз. Айни кунларда журналист ҳамда блогерлар томонидан ёзилган материаллар, кўтарилаётган муаммолар ҳам ўз долзарблиги билан муҳим аҳамият касб этмоқда.

Албатта, ушбу масалалар ечимини орқали халқимизнинг ҳаётдан рози бўлиб яшаш учун кўзда тутилган шарҳ-шароитлар яратилиши мақсад қилингани ҳам бор гап. Олиб

борилаётган ислохотларга матбуот соҳаси орқали ҳамоҳанг равишда қадам ташлаш, бугун иш фаолиятимизда очкилик, ошқоралик, холислик тамойили асосида ишлашни ҳаётнинг ўзи тақозо қилаётгани ҳаммага маълум бўлган ҳаётий ҳақиқат.

Чиндан ҳам, бугун атрофимизда бўлаётган ҳар бир воқеани холис ёритиш, соҳалардаги камчиликларни бар-тароф этиш, қўйинги, барча-барчасида ОАВнинг ёрдами беқиёс эканини кўришимиз мумкин.

Матбуотга қаратилаётган эътибор ордидан кишида бир қанча мулоҳаза



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

пайдо бўлиши табиий. Бугун тафаккуримизда эртанги ёруғ кунларимизнинг қадрига етишга ундовчи, ҳозирги гўзал ҳаётимизга шуқрона айтиб яшаш руҳини

синдирувчи, халқимизнинг виждони бўлиб яшайдиган журналистларимиз талайгина. Худудларда ҳам журналистика соҳасига қизиқувчи иқтидорли

ёшлар кўп. Жойларда шундай ёшларни жамлаб, махсус мактаблар очиб мақсадга мувофиқ Ушбу мактабни тугатган йигит-қизлар пойтахтдаги олийгоҳларда таълимни давом эттирсин, нур устига нур бўлар эди. Демокриманки, бу борадаги ишларимизни ҳам тизимга солишнинг вақти келди. Ушбу мактаблар фаолиятдан етук журналист кадрларимиз сонини янада кўпайтган, соҳага қизиқиш янада ортган бўлар эди.

Урни келганда яна бир нарса ҳақида тўхталиш лозим. У ҳам бўлса, кейинги вақтларда ижтимоий тармоқларда турли чиқишлар касб одобига тўғри келмайдиган материалларни эълон қилиш учраб турибди. Ахборот, видеолавҳа, маълумот жойлаётганда, етти ўлчаб бир кесмай, тор доирада ҳал қилинадиган муаммоларни ҳам дунёга дoston қилиш билан боғлиқ ҳолатлар, афсуски бор. Буларнинг ордидан эса халқимиз, миллатимиз ҳақидаги нотўғри қарашлар шаклланиб қолиши мумкинлиги масаласини ҳам ўйлаб қўриш вақти келди.

Миллат шайни, унинг обрўси учун ҳаммадан кўра, оммавий ахборот воситалари ҳодимлари кўпроқ масъул ва фидойий эканини унутмаслик керак.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташиқлот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-646.
41011 нуسخада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошматова
Мусаҳҳиб: Маҳорат Минғобоева
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй